

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ ИСЛОМЖОН ИЛХОМЖОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАНИНГ САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ
ҲАШАРОТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Зокиров Исломжон Илхомжонович

Марказий Фарғонанинг сабзавот-полиз экинлари ҳашаротлари
фаунаси ва экологияси 3

Зокиров Исломжон Илхомжонович

Фауна и экология насекомых овоще-бахчевых культур Центральной
Ферганы..... 29

Zokirov Islomjon Pkhomjonovich

Fauna and ecology of insects of melon crops of Central Fergana 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ ИСЛОМЖОН ИЛҲОМЖОНОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНАНИНГ САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ
ҲАШАРОТЛАРИ ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/B74 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Азимов Джалолиддин Азимович биология фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Кимсанбоев Хўжамурот Хамракулович биология фанлари доктори, профессор Иззатулаев Зувайдулло Иззатуллаевич биология фанлари доктори, профессор Жуманов Муратбай Арепбаевич биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «8» январь куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 23 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65

Диссертация автореферати 2019 йил «18» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «18» декабрдаги 24 рақамли реестр баённомаси)



А.П.Пазиллов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

Г.С.Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б.Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида кечаётган иқлим ўзгаришлари, тупроқлар деградацияси, чўлланиш, урбанизация жараёнлари ва антропоген омилларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларида хавфли зараркунанда ҳашаротларнинг тури йилдан-йилга ортиб, ҳосилдорликка таъсири кучайиб бораётганлиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Масалан, ҳозирги кунда сабзабот-полизчиликка жиддий хавф солаётган муҳим инвазив турлардан картошка куяси (*Phthorimaea operculella* (Zeller)) 70 дан ортиқ, помидор куяси (*Tuta absoluta* (Meyrick)) 40 дан ортиқ ва қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Bigot) 22 та давлатда тарқалиб улгурган бўлса, колорадо қўнғизи (*Leptinotarsa decemlineata* Say) Шимолий Америка, Европа ва Осиё мамлакатларини деярли тўлиқ, Африка қитъасининг эса шимолий ҳудудларини қисман эгаллаган¹. Шундан келиб чиқиб, сабзабот-полиз экинлари ҳашаротлари фаунасини аниқлаш, экологиясини асослаш ва зарарли турларга қарши кескин кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари биринчи ўринга қўйилаётган ҳозирги вақтда, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи саналган сабзабот-полиз экинлари етиштиришда зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш алоҳида эътиборга молик. Сўнгги йилларда табиий ва антропоген омиллар таъсирида дунё бўйлаб тарқалиб бораётган инвазив турларнинг мамлакатимизга кириб келиши ва экинларга ихтисослашиши ҳисобига агроценозлардаги турлар хилма-хиллиги кенгайган. Натижада зараркунандаларнинг иқтисодий зарари ортиб бораётганлиги маҳсулот сифати бузилиши ва унинг экспортида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу ўринда, минтақа бўйлаб зараркунандаларнинг тарқалишини ҳамда зарарини аниқлаш, уларга қарши кураш усулларини янада такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда аҳолининг эҳтиёжи ва бозор талабларидан келиб чиқиб, сабзабот-полиз етиштириш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу борада, жумладан, Марказий Фарғона ҳудудида сабзабот-полиз экин майдонлари кенгайди ҳамда ушбу соҳага ихтисослашган юзлаб янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «...пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзабот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» каби вазифалар белгилаб берилган.

¹<https://kccc.ru/handbook/pests/phthorimaea-operculella>; <http://www.potato beetle.org/overview.html>; <http://www.rshn-kbr.ru/index.php/smotret-vse/32-absolyut-li-tuta-absoluta>; <https://vniikr.ru/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республиканинг сабзаёт-полиз маҳсулотлари етиштирувчи ҳудудларида зараркунандаларнинг тур таркибини комплекс ҳолда қайта кўриб чиқиш, инвазив турлар географик тарқалиши ва биэкологик хусусиятларини очиб бериш, “фитофаг-хўжайин” тизимидаги ҳашаротларнинг ўрнини изоҳлаш, асосий турларнинг оммавий кўпайиши ва биозарарлаш оқибатларини аниқлаш, шунингдек уларга қарши турли кураш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва уни амалга оширишга оид қабул қилинган Давлат дастурлари, 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Турли агроценозлардаги ҳашаротларнинг хилма-хиллиги, зоогеографияси, экологияси, зараркунанда турлар мониторинги ва уларга қарши кураш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти (АҚШ), German Entomological Institute (Германия), Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти (Россия), Санкт-Петербург Давлат университети (Россия), Зоология институти (Украина), Зоология институти (Хитой), Зоология институти (Россия), Энтомология институти (Чехия), Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон) ва Зоология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сабзаёт-полиз экинлари ҳашаротларининг тарқалиши, систематикаси, фаунаси, экологияси ва хўжалик аҳамиятига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: ҳашаротларнинг зоогеографик тарқалишига оид ГИС хариталарни тузиш тизими яратилган (Санкт-петербург давлат университети, Бутунроссия ўсимликларни химоя

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.agroatlas.ru>, <http://vizrspsb.ru>, <http://www.izan.kiev.ua>, <http://english.ioz.cas.cn/au>, <https://www.zin.ru>, <https://www.entu.cas.cz>, <http://www.senckenberg.de>, <http://www.iari.res.in> ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил этилган.

қилиш илмий-тадқиқот институти ҳамда АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти ҳамкорлигида), хавфли зараркунанда турларнинг агроценозлар бўйлаб тарқалиши бўйича мониторинги ва “ўсимлик-фитофаг-энтомофаг” тизимининг иммунологик механизми ишлаб чиқилган (Бутунроссия ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти), зараркунандаларга қарши энтомофагларни қўллаш ва биометоднинг экологик асослари яратилган (Зоология институти, Украина), ўсимлик ва ҳашаротлар коэволюциясининг хусусиятлари очиб берилган (Зоология институти, Хитой), агроэкоценозларда зарарли ва фойдали ҳашарот турлари популяциясини бошқариш принциплари ва усуллари ишлаб чиқилган (Зоология институти, Россия), ҳашаротлар популяция динамикасини бошқариш ва экологик жараёнларнинг математик моделлаштириш механизмлари ишлаб чиқилган (Энтомология институти, Чехия), ҳашаротлар филогенези, таксономияси масалалари қайта ишланган (German Entomological Institute), қишлоқ хўжалиги экинларида зараркунандалик қилувчи Lepidoptera, Coleoptera, Hemiptera, Orthoptera ва Hymenoptera туркумларига мансуб ҳашаротларнинг электрон базаси яратилган ва уларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (Indian Agricultural Research Institute).

Дунёда ҳашаротлар синфининг турли агроценозлардаги хилма-хиллиги ва экологик хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ҳашаротларнинг замонавий систематик классификациясини яратиш, уларнинг молекуляр-генетик базасини ишлаб чиқиш, энтомофаунанинг тарқалиши ҳамда биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, зарарли турлар популяциясини экологик безарар усуллар орқали бошқариш механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳашаротлар фаунаси, тур таркиби, муҳим турларнинг биоэкологияси ва зарарли вакилларининг тарқалишига оид маълумотлар МДХ олимлари В.П.Васильев (1975), Б.П.Адашкевич (1975), Е.Л.Гурьева (1979), А.П.Вянгеляускайте (1989), В.Ю.Масляков, С.С.Ижевский (2010), Ф.А.Гаппаров (2011), Е.А.Соколов (2015) ва бошқалар томонидан баён этилган.

Марказий Осиё миқёсидаги энтомологик тадқиқотларнинг таҳлили Л.А.Левинко (1961), В.В.Яхонтов (1962), М.Н.Нарзикулов (1962), И.С.Малявин (1973), М.Х.Ахмедов (1995), К.С.Исоевлар (2003) томонидан олиб борилган бўлиб, муаллифлар турли гуруҳ ҳашаротларининг фаунистик таҳлили ва экологияси, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтириши билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратган.

Ўзбекистон энтомофаунаси Г.К.Дубовский (1966), А.А.Мухамедиев (1979), А.Ш.Хамраев (1992), А.Г. Кожевникова (2000), А.К.Хусанов (2017), М.Ж.Медетовлар (2018) томонидан ўрганилган. Сабзавот-полиэв экинлари зараркунандаларини кенг қўламли ўрганиш ва уларга қарши кураш чоралари А.Нагайбеков ва б. (1969), Ю.Н.Бурда (1970), Т.Турсунходжаев (1971), С.Алимухамедов, Ш.Хўжаев (1991), А.Ш.Хамраев (2008), А.А.Мухамедиев ва б. (1992), А.М. Жабборов (1997), Т.Тиловов (1987), Е.Ш. Торениязов (1999), М.И.Рашидов (2000), Б.А.Ақромов (2007), Ф.А.Ғоппоров (2008),

Б.А.Сулаймонов (2010), Ш.Т.Хўжаев (2014), Р.О.Юсупов (2018) ва Р.А.Хакимов (2018) тадқиқотларида келтирилган.

Бироқ, мазкур тадқиқот ишлари Ўзбекистонда амалга оширилган бўлса-да, Марказий Фарғона энтомофаунаси ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунга кўра, Марказий Фарғонанинг сабзавот-полииз экинлари ҳашаротлари фаунасини аниқлаш, экологиясини асослаш, инвазив ва карантин турларнинг тарқалиши ва биологиясини ўрганиш ҳамда зараркундаларга қарши кураш усуллари амалиётга татбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т230 “Сув ва ер усти ценозлари паразитар тизимлари таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016 йй.) ва ВА-ФА-Ф5-011 “Ўзбекистон тўғриқанотсимон (Insecta: Orthopteroidea) ҳашаротлари” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Фарғонанинг сабзавот-полииз агроценозларида учровчи ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш ва уларни экологик-фаунистик жиҳатдан таҳлил этиш, муҳим инвазив турлар популяциясини бошқаришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сабзавот-полииз экинлари энтомофаунасининг тур таркибини аниқлаш ва систематик таҳлил қилиш;

ҳашаротларнинг озуқа спектрини аниқлаш ва ўсимликлар билан биоценотик алоқаларини изоҳлаш;

адвентив ва инвазив турлар географик тарқалишини экологик жиҳатдан таҳлил этиш;

муҳим инвазив турларнинг биоэкологиясини асослаш;

агроценозларда “фитофаг-хўжайин” муносабатлар тизимининг шаклланишида экологик токчаларга ажралиши, фитофагларнинг озуқа ўсимлигидан фойдаланиш ҳамда мосланиш хусусиятларини изоҳлаш;

“фитофаг-хўжайин” ва “энтомофаг-хўжайин” тизимлари коэволюциясини таҳлил этиш;

ҳашаротларнинг оммавий кўпайиши ва популяциясининг мавсумий ривожланиш динамикасини регрессион таҳлил этиш;

зараркундаларнинг экинларни биозарарлаш оқибатларини баҳолаш ҳамда уларнинг популяциясини бошқариш ва уларга қарши курашга доир илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Фарғонанинг сабзавот-полииз экинлари энтомофаунасига оид ҳашаротлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сабзавот-полииз экинлари ҳашаротларининг фаунаси, экологик хусусиятлари, тарқалиши ва зараркундаларга қарши кураш чоралари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда энтомологик, экологик ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Марказий Фарғонанинг сабзавот-полиз экинларининг ҳашаротлари фаунаси аниқланиб, 7 туркум 32 оиланинг 113 авлодига мансуб 155 тур ва кенжа турдан иборат фитофаглар, шунингдек, 5 туркум 18 оиланинг 52 та авлодига мансуб 72 тур энтомофаглар аниқланган;

илк бор Ўзбекистон энтомофаунаси учун ҳашаротларнинг 1 тур ва 1 та кенжа тури аниқланган ҳамда Марказий Фарғона минтақасида илк марта қайд этилган турлар 14 та авлодга мансуб 17 тур ва 2 та кенжа турни ташкил этган ҳамда шулардан 6 тури сабзавот-полиз учун жиддий хавф солувчи инвазив ва карантин турлар эканлиги исботланган;

ҳашаротларнинг озуқа спектри ва ўсимликлар билан биоценотик алоқалари асосланган;

адвентив ва инвазив турларнинг Фарғона водийси бўйлаб тарқалиш хусусиятлари изоҳлаб берилган ҳамда хариталари тузилган;

инвазив турлар биоэкологик хусусиятлари асосида уларнинг фенологик календарлари ишлаб чиқилган;

турли агробиоценозларда фитофагларнинг ўсимликдан фойдаланиш хусусиятлари экологик-фаунистик жиҳатдан таҳлил этилиб, фитофаглар сабзавот-полиз экинларида озикланишига кўра 5 та, озуқа ўсимлигидан фойдаланиш хусусиятларига кўра 3 та ҳамда яшаш тарзи бўйича 4 та экологик гуруҳлари асосланган;

ҳашаротларнинг “фитофаг-ҳўжайинлик”ка морфоэкологик жиҳатдан мосланиш хусусиятлари ҳамда “фитофаг-ҳўжайин” ва “энтомофаг-ҳўжайин” тизимларининг коэволюцияси очиқ берилган;

ҳашаротларнинг оммавий кўпайиши, зараркунанда турларнинг популяция миқдор зичлиги мавсумий ўзгаришлари регрессион таҳлил этилган ҳамда уларнинг ўсимликка таъсир даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

зараркунанда ҳашаротлар популяциясини бошқариш ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сабзавот-полиз экинларига жиддий хавф солувчи инвазив турлар (*Phthorimaea operculella*, *Tuta absoluta*, *Myiopardalis pardalina*, *Leptinotarsa decemlineata*)нинг водий бўйлаб тарқалиш йўналишларига оид хариталари тузилган ва келгуси йилларда кириб бориши мумкин бўлган ҳудудларни башорат қилиш орқали зараркунандаларни тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ҳашаротлар оммавий кўпайиши регрессион таҳлил этилиб, популяция зичлиги мавсумий динамикаси ҳамда такрорий экилган сабзавот-полизда зараркунандаларнинг ривожланиш даражаси аниқланган;

ҳашаротларнинг ўта хавфли, хавфли, факультатив хавфли ва иқтисодий зарари кам бўлган турлари гуруҳланиб, уларнинг ўсимликни зарарлаш даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

инвазив зараркунандаларга қарши кимёвий препаратларнинг самарадорлиги аниқланган ва сабзавот-полиз экин майдонларига зараркунандалар

тарқалишининг олдини олиш услублари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда энтомологик классик ва замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, илмий фаразлар, кенг кўламли таҳлил натижаларининг назарий маълумотларга мослиги, уларнинг турли нашрларда эълон қилинганлиги, ҳашаротлар популяция зичлиги суратларини математик-статистик услублар асосида таҳлил этилганлиги, шунингдек амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Фарғона сабзаот-полиз агроценозлари энтомофаунаси тўлиқ таҳлил қилинганлиги, энтомокомплекслар шаклланиши изоҳланганлиги, муҳим турларнинг биологияси, экологияси ва зарар келтириш хусусиятлари асослаб берилганлиги ҳамда турли агробиоценозларда фитофагларнинг ўсимликдан фойдаланиш хусусиятлари таҳлил этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инвазив турлар тарқалиш йўналишлари ва кўпайиш хусусиятларини белгилаш, ҳашаротлар популяция миқдор зичлигининг мавсумий суратлари ўзгаришлари, шунингдек уларнинг ўсимликни зарарлаш даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги, муҳим инвазив турларга қарши кураш усуллари таклиф этилганлиги ҳамда зараркунанларга қарши кураш соҳасини янада такомиллаштириш бўйича янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Фарғонанинг сабзаот-полиз экинлари ҳашаротлари фаунаси ва экологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сабзаот-полиз агроценозларида учровчи ҳашаротларнинг 4 туркумига тегишли бўлган 19 оила 73 тур ва кенжа турига мансуб 234 нусха ҳашарот намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 22 августдаги 4/1255-2292-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар ҳашаротлар коллекцияси фондини бойитган ва турлар хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

Фарғона вилояти ҳудудларида картошка куяси (*Phthorimaea operculella* (Zeller)) ва помидор куяси (*Tuta absoluta* Mey.) нинг сабзаот экинларида тарқалишига оид олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2019 йил 12 сентябрдаги 3/1938-сон маълумотномаси). Натижада инспекция томонидан мазкур турларнинг Ёзёвон, Олтиариқ, Кўштепа, Бағдод туманларида тарқалганлигини аниқлаш ва уларга қарши кураш ишларини йўлга қўйиш ҳамда ҳашаротнинг бошқа ҳудудларга тарқалишининг олдини олиш имконини берган;

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларига доир ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонунчилик амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 январдаги 04/4-05-82-сон ҳамда 2019 йил 17 сентябрдаги 04/4-05-133-сон маълумотномалари). Натижада 30.07.2018 йилда №ЎРҚ-489-сон “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) нинг 22, 23 ва 29-моддалари ҳамда 06.09.2019 йилда №ЎРҚ-303-сон “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) нинг 4, 10, 11 ва 22-моддаларини такомиллаштириш имконини берган;

картошка куяси (*Phthorimaea operculella* (Zeller, 1873)), помидор куяси (*Tuta absoluta* (Meurick, 1917)) ҳамда қовун пашшасининг (*Myiopardalis pardalina* Bigot, 1891) Фарғона водийси худудида тарқалиш йўналишлари ва харитаси, уларнинг кейинги йиллар учун башоратлаш бўйича олинган натижалар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ амалиётига жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 1 ноябрдаги 04-12/1032-сон маълумотномаси). Натижада кейинги йилларда зараркунандаларнинг бошқа худудларда тарқалишининг олдини олиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгилаш имконини берган;

дала шароитида қовун пашшасига қарши курашда Децис - 2,5% эм.к. 0,1-0,15 л/га, Суми-Альфа - 5% эм.к. 0,25 л/га ва колорадо кўнғизига қарши Децис - 2,5% эм.к. 0,5 л/га, Фуфанон - 57% эм.к. 1,0 л/га сарф меъёрида қўллаш бўйича амалий тавсиялар Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги сабзаёт-полизчиликка ихтисослашган “Гулистон” ММТП, “Ёзёвон ЛХ” ва “Нурли чашма жилваси” фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (“Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамиятининг 2019 йил 1 ноябрдаги 04-12/1032-сон маълумотномаси). Натижада колорадо кўнғизига нисбатан 71,8-87,2% ва қовун пашшасига нисбатан 70-94,7% биологик самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 та республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда сабзаёт-полиэ экинлари ҳашаротларининг ўрганилиш ҳолати”** деб номланган биринчи боби сабзаёт-полиэ экинлари ҳашаротларининг фаунаси, тарқалиши, экологияси, зарарли турларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш борасида шу давргача олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва чоп қилинган адабиётлар таҳлили келтирилган.

Илмий манбаларда қишлоқ хўжалик экинларининг муҳим зараркунандаларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, аксарият фундаментал ишлар ўтган асрга тегишли, қолаверса, Марказий Фарғонанинг сабзаёт-полиэ экин майдонларида учровчи ҳашаротлар комплекс тарзда фаунистик тадқиқ этилмаган.

Иккинчи боб **“Сабзаёт-полиэ экинлари ҳашаротларини ўрганиш услублари ва материали”** деб номланган бўлиб, унда тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитларига қисқача тавсиф ҳамда тадқиқот усул ва материаллари акс этирилган. Сабзаёт-полиэ экинлари ҳашаротларини тадқиқ қилиш ишлари 2012-2019 йиллар давомида олиб борилган. Материаллар йиғиш ишлари алоҳида йўналишлар ва белгиланган ҳудудларда ўтказилди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар харитаси (Google Earth).

Тадқиқотлар Фарғона водийсининг асосий пастекислик қисми ҳисобланган Марказий Фарғона (Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Қўштепа, Олтиариқ, Риштон, Бағдод, Бувайда, Учкўприк туманлари; Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз; Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани) ва унга чегарадош ҳудудлар – Тошлоқ, Қува, Шаҳрихон туманларидаги фермер хўжаликлари ҳамда томорқа хўжаликлари далаларида олиб борилди.

Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 10 мингдан ортиқ ҳашарот намуналари йиғилди ва ўрганилди. Ҳашаротлар намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш, доимий препаратлар ва коллекциялар тайёрлаш умумий энтомология ҳамда қишлоқ хўжалиги энтомологиясида қўлланиладиган услублардан фойдаланилди (Палий, 1966; Фасулати, 1971; Васильев ва б., 1975; Адашкевич, 1983; Володичев, 1986; Аҳмедов ва б., 2007; Голуб, Цуриков, Прокин, 2012; Хўжаев, 2014).

Йиғилган материалларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти Энтомология ҳамда Антипаразитар препаратлар лабораторияларида тур даражасигача аниқланди. Бунда соҳага оид қатор аниқлагичлар ва илмий манбалардан (Д.А.Азимов ва б., 1993, Л.М.Копанева, 1982, В.Н.Григорьев, 2000, В.М.Столяров, 2005, Ф.Ғоппоров, 2008, Ш.Т.Хўжаев, 2014, М.Ж.Медетов, 2012, Н.Н.Муминов, 1965, Н.Н.Винокуров ва б., 2010, А.Ш.Хамраев, 1992, А.М.Мухамедиев, 1979, М.Ҳ.Аҳмедов, 1995, Г.К.Дубовский, 1966, А.Г.Кожевникова, 2000, А.К.Мансуров, 1962, Д.Б.Даминова, 1989) ҳамда онлайн аниқлагичлардан фойдаланилди.

Ҳашаротлар экологиясини кенг қамровли ўрганишда Г.Е.Хатчинсон (1957), В.В. Яхонтов (1964), R.Root (1967), С.G.Johnson (1969), Дж. Клаудсли-Томпсон (1982), Б.П.Адашкевич (1983), М. Бигон, Дж. Харпер, К. Таунсенд (1989), А.М. Гильяров (1990), В.Б.Чернышев (2012) ва бошқа муаллифларнинг фундаментал ишларидан фойдаланилди.

Ҳашаротларнинг популяция миқдор зичлиги ($V = R/n$), учраши ($P = (n/N) \cdot 100$), доминантлигини ($D = (k/K) \cdot 100$) аниқлашда К.К.Фасулати (1971) услубидан фойдаланилди. Индивидлар миқдор зичлигининг мавсумий ўзгаришларидаги дисперсион фарқлар ($S_x^2 = (\sum (x_i - \bar{x})^2) / n - 1$) аппроксимация чизиқлари ($y = a + bx + x^2$) Г.Ф. Лакин (1990) услубида амалга оширилди.


Ҳашаротларнинг ўсимликни зарарлаш даражасини аниқлаш бўйича янги мезонлар ишлаб чиқилди (Зокиров, Исроилжонов, 2019).

Диссертациянинг **“Марказий Фарғона сабзавот-полиз экинлари ҳашаротларининг фаунистик таҳлили”** деб номланган учинчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда сабзавот-полиз экинлари ҳашаротлари фаунасининг таксономик таркиби, ҳашаротларнинг озуқа спектри ва агроценозлар билан трофик алоқалари, шунингдек сабзавот ва полиз агроценозлари энтомофаунасининг шаклланиш хусусиятлари таҳлил этилган. Марказий Фарғонанинг сабзавот-полиз экинларида фитофагларнинг 7 туркум, 32 оила 113 авлодига мансуб 155 тур ва кенжа тури тарқалган (1-жадвал, 2-расм).

**Марказий Фарғона сабзаёт-полиэ экинлари фитофагларининг
туркум, оила ва авлодлар бўйича тақсимланиши**

Туркум номи	Оилалар сони	Фитофагларга нисбатан улуши (%)	Авлодлар сони	Фитофагларга нисбатан улуши (%)	Тур (кенжа турлар) сони	Фитофагларга нисбатан улуши (%)
Orthoptera	5	15,6%	15	13,3%	18	11,6%
Homoptera	8	25%	38	33,6%	49	31,6%
Hemiptera	2	6,3%	12	10,6%	17	10,9%
Thysanoptera	1	3,1%	1	0,9%	1	0,65%
Coleoptera	7	21,9%	21	18,6%	29	18,7%
Lepidoptera	4	12,5%	20	17,7%	29	18,7%
Diptera	5	15,6%	6	5,3%	12	7,7%
Жами:	32		113		155	

Таксономик таркибига кўра, сабзаёт-полиэ экинлари ҳашаротларининг табиий кушандалари Hemiptera туркумининг 5 та оиласига (Anthocoridae, Nabidae, Miridae, Lygaeidae, Reduviidae) мансуб 8 тур, Hymenoptera – 6 оиланинг (Ichneumonidae, Braconidae, Formicidae, Trichogrammatidae, Eulophidae, Aphidiidae) 19 тури, Coleoptera – 2 оиллага (Carabidae, Coccinellidae) мансуб 29 тур, Neuroptera – 1 оиланинг (Chrysopidae) 4 тури ва Diptera туркумининг 4 оиллага (Syrphidae, Tachinidae, Cecidomyiidae, Chamaemyiidae) мансуб 12 турини ташкил этади (2-расм).



2-расм. Марказий Фарғона сабзаёт-полиэ агроценозларининг фитофаг ва энтомофаглари нисбати (2012-2019 йй.).

Ҳашаротларнинг 1 тур (*Eurydema oleracea* (Linnaeus, 1758)) ва 1 та кенжа тури (*Aphis frangulae beccabungae* Koch, 1855) Ўзбекистон энтомофаунаси учун, 17 тур ҳашаротлар (*Tartarogryllus tartarus*, *Eumodicogryllus bordigalensis*, *Acrotylus insubricus insubricus*, *Heteracris adspersa*, *Tetrix bolivari*, *Hyalopterus pruni*, *Aphis fabae*, *Aphis nasturtii*, *Aulacorthum solani*, *Forda marginata*, *Trifidaphis phaseoli*, *Anomala errans*, *Agriotes sputator*, *Lacanobia oleracea*, *Phthorimaea operculella*, *Tuta absoluta*, *Myiopardalis pardalina*) эса Марказий Фарғона минтақаси учун илк марта қайд этилди. Шунингдек, улардан 3 таси сабзавот-полиз экинларида инвазив ва карантин тур (*Phthorimaea operculella* (Zeller, 1873) (картошка куяси), *Tuta absoluta* (Meurick, 1917) (помидор куяси) ва *Myiopardalis pardalina* Bigot, 1891 (қовун пашшаси) қайд этилди.

Энтомофагларнинг атиги 6 тури монофаг бўлиб, 31 тури олигофаг ва 35 тури полифагдир. Улар хўжайин ёки ўлжа организми билан озикланишига кўра 41 тури йиртқич ва 31 тури паразитлик қилади.

Фитофагларни маданий экинларнинг 7 оила 11 авлодига мансуб 20 тур ўсимликлар билан биоценотик алоқалари аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

Ҳашаротларнинг сабзавот-полиз экинлари билан биоценотик алоқалари


Озуқа ўсимлиги	Таксономик бирликлари				Турларнинг доминантлиги		
	Туркум	Оила	Авлод	Жами тур	Доминант	Суб-доминант	Кам учровчи
<i>Solanum tuberosum</i> – картошка	6	16	36	48	8	7	33
<i>Solanum lycopersicum</i> – помидор	7	20	46	68	7	12	49
<i>Solanum melongena</i> – бақлажон	6	19	43	47	5	10	32
<i>Capsicum annuum</i> – ширин қалампир	6	10	22	24	4	5	15
<i>Brassica oleracea</i> – карам	7	21	41	51	6	11	34
<i>Rhaphanus sativus</i> – турп	5	9	19	21	2	6	13
<i>Brassica rapa</i> – шолғом	7	18	42	52	5	10	37
<i>Raphanus sativus var. radicola</i> – редиска	5	10	22	26	4	8	14
<i>Beta vulgaris</i> – лавлаги	6	23	57	79	9	20	50
<i>Allium cepa</i> , <i>A. sativum</i> – пиёз, саримсоқ	6	14	31	42	4	6	32
<i>Daucus carota</i> – сабзи	6	21	56	70	11	13	45
<i>Anethum graveolens</i> – укроп	6	12	17	23	2	3	18
<i>Phaseolus vulgaris</i> – ловия	7	19	50	60	7	9	44
<i>Phaseolus aureus</i> – мош	7	17	41	49	5	9	35
<i>Cucumis melo</i> – қовун	7	19	34	47	8	9	30
<i>Citrullus lanatus</i> – тарвуз	7	19	35	43	5	13	25
<i>Cucumis sativus</i> – бодринг	7	20	38	50	9	8	33
<i>Cucurbita moschata</i> – ковоқ	6	14	21	29	4	6	19
<i>Cucurbita pepo var. ovifera</i> – ковоқча	5	16	30	32	4	6	22
<i>Cucurbita pepo var. patisson</i> – патиссон	6	15	24	25	2	7	16

Ҳашаротлар миқдор зичлиги, тарқалиши ва агроценозларга таъсирига кўра доминант, субдоминант ва кам учровчи турларга фарқланади. Марказий Фарғонанинг турли агроценозларида учровчи доминант фитофаглар сони 45 тани (29%) ташкил этади. Шулардан 30 тур ҳашаротлар популяциясининг кенг ареални эгаллаганлиги ва полифаглик хусусияти бўйича доминантлик қилса, қолган 15 тур эса маълум бир агроценоздагина доминантдир.

Ҳашаротлар озуқа спектрига кўра кенг ва ўрта полифаглар, чегараланган олигофаглар ҳамда озуқа спектри тор бўлган турлар бўйича типларга ажратилди. Шунингдек ҳашаротлар озуқа спектрининг бир, икки, уч поғонали ва аралаш типдаги экологик қаторлари ишлаб чиқилди (3, 4-расмлар).



3-расм. Ҳашаротлар озуқа ўсимликларининг бир поғонали экологик қаторлари (а, б, в, г, д – ўсимлик оилалари)



4-расм. Ҳашаротлар озуқа ўсимликларининг икки поғонали экологик қаторлари (а, б, в – ҳашаротлар)

Марказий Фарғонада ғўза агроценозининг қисқариб бориши натижасида унда яшовчи доминантлардан 17 тур хашаротнинг сабзаёт-полиэ экинларига ихтисослашуви аниқланди.

Диссертация ишининг тўртинчи боби “Сабзаёт-полиэ экинлари хашаротлари адвентив турларининг Марказий Фарғонада тарқалиши ва биоэкологияси” деб номланиб, унда адвентив турлар географик тарқалиши ҳамда инвазив турларнинг биоэкологик хусусиятлари баён этилган. Марказий Фарғона минтақаси учун адвентив бўлган фитофаглар сони 18 та (фитофагларга нисбатан улуши 11,6%). Шулардан 6 тур инвазив бўлиб, яна 2 тур (*Trifidaphis phaseoli*, *Agriotes sputator*) инвазивлик хусусияти намоён бўлаётган зараркуналардир (3-жадвал).

3-жадвал

Адвентив ва инвазив турларнинг агроценозлар бўйлаб тарқалиши


Оилалар номи	Турлар сони	Тарқалган агроценоз сони	Доминант бўлган тур	Инвазив
Acrididae	<i>A.insubricus insubricus</i> , <i>H.adspersa</i>	4	-	-
Tetrigidae	<i>T.bolivari</i>	6	-	-
Aleyroidoidae	<i>T.vaporariorum</i>	11	1(3)	(i)
Aphididae	<i>A.fabae</i> , <i>A.frangulae</i> <i>beccabungae</i> , <i>F.marginata</i> , <i>A.solani</i> , <i>T.phaseoli</i>	12	2(3)	(i) ¹
Pentatomidae	<i>E.oleracea</i>	4	-	-
Scarabaeidae	<i>A.errans</i>	2	-	-
Elateridae	<i>Agriotes sputator</i>	8	1(1)	(i) ¹
Chrysomelidae	<i>L.decemlineata</i>	4	1(3)	(i)
Noctuidae	<i>L.oleracea</i>	8	-	-
Gelechiidae	<i>P.operculella</i>	3	1(1)	(i)
	<i>T.absoluta</i>	1	1(1)	(i)
Anthomyiidae	<i>D.platura</i>	6	1(1)	(i)
Tephritidae	<i>M.pardalina</i>	4	1(1)	(i)

(i) – инвазив тур; (i)¹ – инвазивлик хусусияти пайдо бўлаётган тур.

Адвентив турлар 3 та экологик гуруҳга ажратилди: 1) озуқа ўсимликларига мукамал мослашган ва барқарор популяцияларга эга бўлган турлар; 2) минтақага янги кириб келаётган, озуқа ўсимликларига осон мослашувчан ҳамда қисқа муддатда доминантликни эгаллаш хусусиятига эга бўлган турлар; 3) тарқалиш ареали тор, озуқа ўсимликларига тўлиқ мослашиб кетмаган, популяция динамикаси тебраниб турувчи ва барқарорлиги тўлиқ таъминланмаган турлар.

Инвазив турларнинг Марказий Фарғонага кириб келиш йўналишлари қатор омилларга боғлиқ. Мазкур омиллар таъсири картошка ва помидор қуялари, колорадо қўнғизи ва қовун пашшасининг водий бўйлаб тарқалиши мисолида ифодаланди (5-расм).

Маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда инвазив турлар биологияси ва ҳаёт цикли асосида уларнинг фенологик календарлари тузилди (4 ва 5-жадваллар).



5-расм. Колорадо кўнғизининг Фарғона водийсидаги тарқалиш йўналишлари

4-жадвал

Қовун пашшасининг фенологик календари (2017-2018)

АВЛОД	Май			Июнь			Июль			Август			Сентябрь			Октябрь		
	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
v_1			+	+	+													
			●	●	●													
	0	0	0	~	0	0	0											
v_2						+	+	+										
						●	●	●										
						~	~	~										
							0	0	0									
v_3								+	+	+								
								●	●	●								
								~	~	~								
								0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
v_4										+	+	+						
										●	●	●						
										~	~	~						
													0	0	0	0	0	0

Изоҳ: + - етук форма (имаго); ● – тухум; ■ - тухум (қишловчи); ~ курт;
 0 – ғумбак (қишловчи); v- авлод.

Помидор куясининг фенологик календари (2017-2019 йй.)


III	IV			V			VI			VII			VIII			IX			Қишлов	
3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	Декада	
+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+			Иссиқ-хона	Очик дала
				●	●	●	●	●	●	●	●	●	●	●	●	●				
														■	■	■	■	■	■	
v ₁						~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	
v ₂							~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	
v ₃								~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	
v ₄									~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	~	
									0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Изох: + - етук форма (имаго); ● – тухум; ■ - тухум (қишловчи); ~ курт;
0 – ғумбак (қишловчи); v₁- ёш.


Ишнинг бешинчи боби “Агроценозларда “фитофаг-хўжайин” муносабатлар тизимининг шаклланиши”га бағишланган бўлиб, у тўртта бўлимда баён этилган. Сабзавот ва полиз экинлари мавсумий (қисқа муддатли) бўлиши, хашаротлар ҳаёт циклининг муайян ўсимликда тўлиқ ўтмаслигига сабаб бўлади. Уларнинг ўсимликлардан фойдаланиши ва “фитофаг-хўжайин” муносабатлар тизимининг шаклланиши бир қанча экологик омиллар асосида рўй беради.

Бунда фитофагларнинг ўсимлик органларига ихтисослашиш тавсифига кўра ризофаглар (илдизда озикланувчилар), филлофаг ва лимфофаглар (поя, барг ва учки ўсув қисмларда яшовчилар), антофаглар (ўсимлик гулида яшовчилар), карпофаглар (ўсимлик мевасида озикланувчилар) ҳамда голофаг турлар (илдиз, поя, барг, гул ва мевада аралаш типда озикланувчилар) экологик гуруҳларига классификация қилинди. Шунингдек уларнинг озуқа ўсимлигига трофик ихтисослашиши бўйича монофаг, олигофаг ва полифаглик хусусиятлари ажратилди.

Таҳлил натижаларига кўра, экологик токчаларни ташкил этувчи ризофаглар сони 34 та (энтомофаунага нисбатан улуши 21,9%), филлофаг ва лимфофаглар миқдори юқори бўлиб, 120 тур (77,4%)ни ташкил этади. Антофаг турлар 32 (20,6%), карпофаглар 15 (9,7%) ва голофаглар эса 7 турдан (4,5%) иборат (6 ва 7-расмлар).



6-расм. Сабзавот ва полиз экинлари хашаротларининг экологик токчалари



7-расм. Сабзавот ва полиз экинлари фитофагларининг экологик-фаунистик тавсифи

Фитофаглар озуқа ўсимлигидан кетма-кет ва вақтинча фойдаланиш хусусиятларига кўра 3 та – илк вегетация даври ҳашаротлари, ювенил (ўсиш, шоҳланиш ва ривожланиш) даври ҳашаротлари ҳамда генератив (гуллаш ва мева туғиш) давр ҳашаротлари гуруҳларига фарқланди (8-расм).


Ҳашаротларнинг “фитофаг-хўжайин”ликка морфологик мосланиш хусусиятлари баъзи гуруҳ ҳашаротлари мисолида изоҳлаб берилди. Натижалар озуқа турининг алмашинуви натижасида морфометрик белгилардаги дивергенция майда ҳашаротларда янада яққол намоён бўлишини кўрсатди. Хусусан, полиз шираси (*A.gossypii*) нинг морфометрик белгилари ичида тана, мўйлов, шира найчаси, сон, болдир ва дум узунлигида фарқлар кескин ажралди. Қовун пашшаси (*M.pardalina*) нинг Чимбой ҳудудидаги личинкалар ўлчами Ёзёвондаги кўрсаткичлардан ишончли фарқланган. Бунда 2- ва 3-авлод личинкаларининг тана узунлиги ($9,1 \pm 0,18$ ва $8,1 \pm 0,12$, $t_{st}=3,92$, $P=0,001$; $9,2 \pm 0,24$ ва $8,1 \pm 0,17$; $t_{st}=2,88$, $P=0,01$), ғумбаклик даврида 3-авлод намуналари ($7,4 \pm 0,16$ ва $6,8 \pm 0,14$, $t_{st}=2,10$, $P=0,05$), имаголарда эса барча авлоддаги эркак намуналар (ўртача $5,3 \pm 0,08$ ва $4,9 \pm 0,07$, $t_{st}=2,10$, $P=0,05$) ҳамда 1-авлод урғочи намуналар ($5,90 \pm 0,11$ ва $5,50 \pm 0,10$, $t_{st}=2,10$, $P=0,05$) тана узунлиги Ёзёвон ҳудудидаги ҳашаротларда маълум даражада кичик бўлиши қайд этилди.

Барча натижалар Марказий Фарғона чўлида учровчи турларда морфометрик ўлчамлар, яъни тана ҳажми кичрайиш тенденциясини кўрсатмоқда.

Ҳашаротларнинг ўсимлик органини танлашига ўсимлик ва ҳашарот организмда борадиган физиологик жараёнлар сабаб бўлади. Тажрибаларда бир нечта тур ҳашаротни бир озуқа ўсимлигининг турли органларини истеъмол қилиши айти турнинг фитофагликка мослашувидаги фарқларни намоён этди.


Илк вегетация даври хашаротлари:

A.meticulosus, *O.punctulatus*, *D.penicillatus*, *P.prasina*




Ювенил даври хашаротлари:

D.penicillatus, *P.prasina*, *T.tabaci*, *G.gryllotalpa*, *A.gossypii*, *M.afflicta*, *A.segetum*, *A.ipisilon*, *P.chrysoi*, *C.italicus*, *italicus*, *C.turanicus*, *M.desertus*, *T.varogariotum*, *A.crassivora*, *M.euphorbiae*, *P.adspersa*, *L.decemlineata*, *E.agricola*, *L.satvae*



Генератив давр хашаротлари:

T.bolivari, *P.bispinosa deserti*, *C.barbarus*, *A.oxycerphala*, *E.meridiana*, *K.bipunctata*, *M.laervis*, *M.quadriripunctulatus*, *H.obsoletus*, *B.tabaci*, *M.persicae*, *T.absoluta*, *D.flammatra*, *X.c-nigrum*, *A.gamma*, *O.flavosparsus*, *P.vulneratus*, *G.polygona*, *P.operculella*, *H.viriplaca*, *N.orbona*, *M.suase*, *S.exigua*, *H.armigera*



1	2	3	1	2	3	1	2	3	
Апрель			Май			Июнь			Июль

8-расм. Хашаротларнинг озука ўсимлигидан кетма-кет ва вақтинча фойдаланишига кўра экологик гуруҳланиши

Изох: O – кишлаб чиққан консументлар; m₁ – келувчи мигрантлар; m₂ – вақтинча озикланиб, бошқа ўсимликларга кўчувчилар;
